

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТОИРОВ БОБУР АКБАРОВИЧ

**КЕЛОИД ЧАНДИҚЛАРИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК
МЕХАНИЗМЛАРИ, УЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тоиров Бобур Акбарович

Келоид чандикларининг патогенетик механизмлари,
уларни комплекс даволашни такомиллаштириш 3

Тоиров Бобур Акбарович

Патогенетические механизмы развития келоидных
рубцов, совершенствование их комплексного лечения 23

Toirov Bobur Akbarovich

Pathogenetic mechanisms of keloid scars, improvement
of their complex treatment 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТОИРОВ БОБУР АКБАРОВИЧ

**КЕЛОИД ЧАНДИҚЛАРИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК
МЕХАНИЗМЛАРИ, УЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib484 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tashpmi.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабилов Улуғбек Юсупханович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хайтов Кахрамон Нажмитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гильдиева Маргарита Сабировна
биология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.27.06.2017. Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871)262-33-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси орасида умумий касалликларнинг ичида тери касалликлари энг асосий касалликлардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда ишлаб чиқаришнинг жадал суратлар билан ошиши, атроф-муҳит ва экологик зарарли омилларнинг инсон организмига таъсирида иммун тизим фаолиятининг пасайиши, тери касалликларининг шаклланиши ҳамда уларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Хуснбузардан кейинги келоид чандиқлар тез-тез учровчи тери касалликлари сирасига кириб, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёда «...ҳар йили 50 миллиондан ортиқ турли хил жароҳатлар, 100 миллиондан ортиқ турли йўналишдаги жаррохлик амалиётлари бажарилиб, улардан 100 миллионга яқин беморларда келоид чандиқлар...»¹ билан жабрланишлар қайт қилинган. Касаллик кўпроқ кўкрак ва елка соҳасида кенг тарқалиб, инсонларнинг асаб-руҳий тизимига салбий таъсир кўрсатиши, хуснбузарларнинг асорати натижасида юзага келадиган келоид чандиқларни ташхислаш, самарали даволаш ва унинг олдини олиш зарурлигини тақоза қилади.

Жаҳонда хуснбузардан кейинги келоид чандиқларининг патогенетик механизмлари ва комплекс даволашнинг тизимини такомиллаштиришнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хуснбузар ривожланишига олиб келувчи эндоген ва экзоген омилларнинг патогенетик хусусиятларини, келоид чандиқли беморларда интерлейкин генлари IL-6 гени G-174C ҳамда IL-1β генини C3953T аллели, келоид чандиқли беморларда трансформацияловчи ўсиш омили TGFβ1 гени Arg25Pro аллели ген полиморфизминини асослашдан иборат. Келоид чандиқли беморларда металлопротеиназининг тўқима ингибитори ва оксидатив зўриқиши, беморларда чандиқ биоптати морфологик текшируви, беморларни даволашда патогенетик асосланган даволаш усулини такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли юқумли ва юқумсиз тери касалликларини камайтириш тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатимизда «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларда ўсмирлар орасида хуснбузар ва унинг асорати натижасида юзага келадиган келоид чандиқларни ташхислаш ва даволашда замонавий

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2017 йилдаги ҳисоботлари

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликларни камайтириш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини ошириш имконини беради.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий муаллифлар томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра ўртача 85% ўсмирлар ҳамда 25 ёшгача бўлган 45% шахслар турли оғирлик даражасидаги постакнедан азият чекади. Беморларнинг ушбу гуруҳи барча дерматологлар амбулатор қабулида бўлганларнинг 12% ини ташкил этади (Thiboutot D., Gollnick H.D. et al., 2009; Goldberg D.J., Berlin A., 2012; Morris-Jones R., 2014). Россия Федерациясида постакне билан касалланиш ушбу ёшда 65,0–93,3% бўлиб (Ахтямов С.Н., 2010; Олисова О.Ю., Вертиева Е.Ю., 2013; Кунгуров Н.В., Кохан М.М. ва ҳаммуалл., 2013), постакне симптомокомплексининг ривожланиши вулгар ҳуснбузарларнинг барча шакллари орасида 90–95% ҳолатда кузатилади (Tan J.K., Bourdès V. et al., 2017). Сўнгги йилларда етук ёшда, айнан 25–30 ёшда эркакларда 41,5% ҳамда аёлларда 58,0% ҳолатда дерматоз манифестациясига мойиллик постакне кечишининг муҳим хусусияти бўлиб ҳисобланади (Rivera A.E., 2008). Касалликнинг клиник манзараси яллиғланиш ва яллиғланишга қарши элементларни бирлаштирувчи аралаш шакллар билан тақдим этилган (60%), улар стандарт терапияга торпидлиги билан бир-биридан фарқ қилади (Goldberg D.J., Berlin A., 2012; Dreno B., Layton A. et al., 2013). Вулгар ҳуснбузарларни даволашнинг стандарт баённомалари постакне симптомокомплексининг асосий кўриниши ҳисобланган патологик чандиклашиш (келоид) жараёнига таъсир кўрсатиш мақсадида махсус препаратлар тайинланишини кўзда тутмайди (Nast A., Dreno B. et al., 2012; Снарская Е.С., Кряжева С.С., 2010; Толстая А.И., 2013). Шу тариқа постакне белгилари асосий ифодаси сифатида даволашнинг эрта босқичларидаёқ патологик чандикланиш ривожланишининг олдини олувчи препаратларнинг қўшилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўсмирлар орасида атопик дерматит ва хуснбузар каби касалликларни ташхислаш ва самарали даволаш тизими ишлаб чиқилган (Ш.З.Мавлянова, 2016); Витилиго патогенезида генетик ва метаболик бузилишлар ва уларни коррекциялаш усуллари ишлаб чиқилган (Б.Т.Саатов, 2018). Бироқ хуснбузар асоратидан кейинги келоид чандикларнинг даволаш тизими ўрганилмаган.

Касалликнинг шакли ва оғирлиги, қўлланилаётган давога турлича ёндашишдан келиб чиққан ҳолда ушбу омилларнинг қиёсий хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар деярли йўқ. Республикамизда келоид чандиғи муаммосининг юқорида тилга олинган жиҳатлари бўйича тадқиқотлар ҳозирги кунгача ўтказилмаган. Ушбу ҳолат ҳамда тери дегенератив зарарланишининг ривожланиши муаммоси борасидаги маълумотларга асосланган ушбу тадқиқот иши амалий муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, молекуляр-генетик даражада фибробластлар функциясини ўрганиш, бу ишни ўтказишга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АДСС 15.19.1 «Фибробластлар регуляциясининг молекуляр-генетик омиллар асосида коллаген ўзгариши билан кечувчи дерматозларни янгича прогнозлаш ва дифференциал даволаш усуллари ишлаб чиқиш» (2015–2017) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади келоид чандиклар ривожланишининг патогенетик механизмлари асосида комплекс даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

келоид чандикли беморларда интерлейкин генлари (IL–6 гени G–174C ҳамда IL–1 β генини C3953T аллели) полиморфизми ҳолатини баҳолаш;

келоид чандикли беморларда трансформацияловчи ўсиш омили (TGF β 1 гени Arg25Pro аллели) гени полиморфизми ҳолатини баҳолаш;

келоид чандикли беморларда металлопротеиназанинг тўқима ингибитори (TIMP1) ва оксидатив зўриқиш ҳолатини баҳолаш;

келоид чандикли беморларда чандик биоптати морфологик текширувини таҳлил қилиш;

келоид чандикли беморларни даволашда патогенетик асосланган даволаш тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган 104 нафар келоид чандиклар билан хасталанган беморлар олинди. Назорат гуруҳини 30 нафар соғлом пациентлар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб келоид чандиклар билан хасталанган беморлар ҳамда соғлом инсонларнинг вена қони ва зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, функционал, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик, морфологик, статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

келоид чандиқлар билан хасталанган беморларда $IL-6$ гени (G-174C) полиморфизмининг C/C гомозиготаси ҳамда $TGF\beta 1$ гени (Arg25Pro) полиморфизмининг Pro/Pro гомозиготаси учрашини назорат гуруҳига қараганда яққол намоён бўлиши хуснбузар ўрнида патологик коллаген ривожланиш хавфи исботланган;

келоид чандиқ билан хасталанган беморларда металлопротеиназа тўқима ингибитори концентрациясининг ишончли ошиши ва матрикс металлопротеиназа синтезининг пасайишига жавобан хуснбузардан кейин келоид чандиқлар шаклланиши исботланган;

келоид чандиқли беморларда супероксиддисмутазининг ишончли пасайиши беморлар организмида оксидатив зўриқиши ҳисобига жавобан антиоксидант тизимнинг ушбу бўғими мобилизацияси юзага келиши асосланган;

келоид чандиқлар билан оғриган беморларда ўтказилган генетик ва иммунофермент таҳлиллар асосида касалликни ривожланиш хусусиятлари аниқланган, ҳамда патогенетик асосланган комплекс терапевтик даволаш тизими такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касаллик кечишини молекуляр-генетик таҳлиллар асосида олдиндан тахмин қилишда $TGF\beta 1$ гени Arg25Pro аллели Pro/Pro гомозиготаси генотипи ўрни баҳоланган;

вулгар хуснбузарни даволашда яллиғланишга қарши профилактикани ўз вақтида ўтказиш зарурлиги тавсия этилган;

келоид чандиқланишга мойиллиги бўлган беморларда касалликнинг олдини олишига қартилган генетик тадқиқотлар тавсия қилинган;

касалликни ташхислаш ва замонавий комплекс даволаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, функционал, биокимёвий, иммунологик, молекуляр-генетик, морфологик, статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, келоид чандиқларининг патогенетик механизмлари, уларни комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти келоид чандиқлар ривожланишида $IL-1\beta$ гени C3953T аллели, $IL-6$ гени G174C аллели, ҳамда $TGF\beta 1$ гени Arg25Pro аллели полиморфизмининг роли ҳақидаги тасавурларни кенгайтиришга хизмат

қилади. Келоид чандиқлари бўлган беморларда матрикс металлопротеиназ ва супероксиддисмутаза миқдорининг паст кўрсаткичлари ҳужайрадан ташқари матрикс бириктирувчи тўқимасини бузувчи, коллаген бузилиши ва кислороднинг фаол шакли концентрациясининг ошишига олиб келувчи, шунингдек, бириктирувчи тўқима фибробластлари функциясини издан чиқарувчи металлопротеиназа тўқима ингибитори фаоллигининг ошиши ва оксидатив зўриқиш фаоллиги даражасининг камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти такомиллаштирилган комплекс даволаш тўқималарнинг физиологик эпителизацияси ҳамда патологик чандиқланишнинг олдини олиш ва бошқа постакне симптомкомплексларининг пайдо бўлиши, шунингдек, аллақачон шаклланган патологик чандиқлар элементларини коррекциялашга ёрдамлашиши, даволаш самарадорлигини ошириши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Келоид чандиқларининг патогенетик механизмлари, уларни комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Келоид чандиқларни ташхислаш ва даволашга замонавий ёндошув» услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 октябрдаги 8н-д/227-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма хусунбузардан кейинги тери юз соҳасида юзага келадиган чандиқларни ташхислаш ва самарали даволаш тизимини такомиллаштириш имконини берган;

келоид чандиқларининг патогенетик механизмлари, уларни комплекс даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, шунингдек, Самарқанд ҳамда Тошкент вилоятлари тери-таносил диспансерлари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 январдаги №8н-з/2-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши тиббий ёрдам сифатини оширади, шунингдек, ташхислаш ва даволашнинг янги услубларни қўллаш орқали келоид чандиқлари бўлган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда беморларнинг амбулатор шароитда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Келоид чандиқларнинг ривожланиш патогенези, клиник кечиши ва даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобда маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида келоид чандиғи касаллиги муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Келоид чандиғининг этиологияси ва патогенези, кўзгатувчи омиллари ва касалликнинг ривожланиш механизми тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган. Кейинги текширувларни талаб қилувчи, мунозарали саволлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Келоид чандиқларнинг ривожланишини ташхислаш ва даволашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда клиник материалнинг умумий тавсифи, келоид чандиғи касаллигининг клиник кечиши ва келоид чандиғи билан оғриган беморларда даволашнинг самарадорлик мезонлари ҳамда лаборатория тадқиқот усуллари ўз ичига олган тадқиқот материаллари келтирилган.

Тадқиқотда текширилган барча 104 нафар келоид чандиқли беморлар даволаш усулига кўра 2 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни келоид чандиқлари бўлган ҳамда анъанавий терапия орқали даволанган 56 нафар (53,8%) бемор ташкил этди; 2-гуруҳни эса комплекс даво билан даволанган келоид чандиқли 48 нафар (46,2%) бемор ташкил этди.

Беморлар жинсига кўра тақсимланганда аёлларга қараганда эркаклар кўпроқ касалланиши аниқланди. Келоид чандиқли беморларнинг ёш бўйича тақсимланиш таҳлили 21–30 ёшдаги беморлар устунлигини кўрсатди.

Тадқиқот бажарилиши давомида клиник, молекуляр-генетик, иммунологик, биокимёвий текширувлар қўлланилди.

Молекуляр-генетик тадқиқотлар келоид чандиқли беморлар ҳамда шартли соғлом донорларда интерлейкин – 6 (IL–6) гени G–174C аллели ва интерлейкин – 1β гени (IL–1β) C3953T аллели ҳамда TGFβ1 гени Arg25Pro аллелининг полиморфизми текширилди.

Металлопротеиназа тўқима ингибитори (TIMP1) ва супероксиддисмутаза (СОД) концентрациясини тадқиқ этиш «Humareader Single» аппаратида автоматлаштирилган иммунофермент усулида амалга оширилди.

«Ҳаёт сифатининг дерматологик индекси» (ХСДИ) сўровномаси бўйича ҳаёт сифатини баҳолаш ҳамда постакне симптомкомплекси оғирлик даражаси ва


Goodman G.J. va Baron J.A. (2006) халқаро таснифлаш шкаласи бўйича текширишлар олиб борилди.

Морфологик тадқиқотларни амалга ошириш учун биоптатлар кесиклари Ван–Гизон бўйича гематоксилин ва эозин билан толуидин кўкида бўялди. Микроскопик тадқиқотлар «Leitz Biomed» (Германия) фирмасининг «Leica» ёруғлик микроскопи ёрдамида х100 ва х400 марта катталаштирилиб амалга оширилди.

Даволашдан кейин бир ой ўтгач, «Ҳаёт сифатининг дерматологик индекси» (ХСДИ) кўрсаткичи бўйича беморларнинг психоэмоционал статуси ўрганилди. Постакне симптомкомплекси элементларига нисбатан терапевтик самарадорликнинг долзарблигини баҳолаш (ТСДБ) асосида ўтказилган даволаш самарадорлиги баҳоланди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Pentium – IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастурий пакети ёрдамида ички статистика функцияларидан фойдаланиб статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг **«Келоид чандиқлар ривожланишининг рағбатлантирувчи омиллари ва патогенетик механизмлари»** деб номланган учинчи бобида 104 нафар беморнинг клиник ҳолати ҳамда уларнинг клиник тавсифига тўхталиб ўтилган. Келоид чандиқлар энг кўп кўкрак (1 гуруҳ – 55,4% ва 2 гуруҳ – 58,3%, $\chi^2=0,09$, $P>0,05$), кўкрак, елка ва орқа (1 гуруҳ – 21,4% ва 2 гуруҳ – 29,2%, $\chi^2=0,83$, $P>0,05$) соҳасида кузатилган. 3.1- ва 3.2-жадвалларда гуруҳлар кўрсаткичлари ўртасида ишончли фарқ кузатилмаган, бу гуруҳлар ёш ва чандиқлар локализацияси бўйича таққосланиши мумкинлиги билан боғлиқ. Бу комплекс даволаш таъсирини адекват баҳолай олишлари учун қилинган. Клиник-анамнестик маълумотлар кўрсатишича, 104 нафар (100,0%) беморда чандиқларнинг пайдо бўлиши ҳуснбузар касаллиги фониде кечган.



1-расм. Келоид чандиқ кўкрак ва елка соҳасида жойлашган.
З.Н. исмли бемор, 1998 йилда туғилган.

Клиник ёш келоидлар (3 ойдан 5 йилгача) силлиқ, ялтироқ юзали, қизил рангли бўлади, фаол ривожланади. Эскирган келоидлар (5 йилдан кўпроқ) нотекис, буришган юзали, анча оқиш бўёқли бўлади ва деярли ривожланмайди. 10% беморларда шикастланиш соҳасида оғриқ, юқори сезувчанлик, қичишиш, ачишиш кузатилди. Келоид чандиқлар ўзининг ривожланиш жараёнида ривожланишнинг бир нечта босқичларидан ўтади:

эпителизация – тери қопламасининг шикастланган қисми қалинлашувчи ва дағаллашувчи эпителиал хужайралар қатлами билан қопланиб таранглашади; бўртиш – келоид аста-секин қизил ёки кўкимтир рангга кириб, оғриқли бўлиб бўртиш ва ўсишни бошлайди; қалинлашиш – келоид чандиқ сезиларли қалинлашади ва ўзига хос ташқи кўринишга эга бўлади;

юмшаш – чандиқ оқаради, ҳаракатланадиган, юмшоқ ва умуман оғриқсиз бўлади.

Молекуляр-генетик тадқиқотни амалга ошириш давомида келоид чандиқли 14 ёшдан 50 ёшгача бўлган 20 нафар бемор текширувдан ўтказилди. Назорат гуруҳи амалий соғлом ўзбек миллатига мансуб, ёши ва жинси бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган 25 нафар донорлардан ташкил топган. Текширувдан ўтганларнинг барчаси доимий равишда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган ва ўзаро қариндошлик алоқалари бўлмаган. IL–6 гени G–174C аллели полиморфизмининг генетик вариантлари тақсимланиши такрорланишини аниқлаш мақсадида нисбатан соғлом донорлар ва келоидли беморлар ўртасида молекуляр таҳлил ўтказилди. 20 нафар беморда ва 25 нафар шартли соғлом донорда IL–6 (G–174C) генининг G аллели мос ҳолда 85% ва 96% ҳолатда аниқланди (1-жадвал). IL–6 (G–174C) генининг C аллели мос ҳолда 15% ва 4% ҳолатда қайд этилди. Келоид чандиқли беморларда IL–6 (G–174C) гени полиморфизмининг аллел ва генотиплари тақсимланиш хусусиятлари баҳоланганда текширилган беморлар ўртасида аллел ва генотиплар учраш частотаси ишончсиз характерга эгаллиги аниқланди. IL–6 (G–174C) полиморфизми генотиплари частотасининг қиёсий таҳлилида текширилган гуруҳларда G/G (75% беморлар ва 92% соғломлар) ва фақат беморлар ўртасида C/C (5%) гомозиготали генотипларини учраши аҳамиятли бўлди. IL–6 (G–174C) генининг G/C гетерозиготали генотипи беморлар гуруҳида ҳам (20%), назорат гуруҳида ҳам (8%) кузатилди.

1-жадвал

IL–6 гени G–174C полиморфизмининг аллел ва генотиплари тақсимланиш частотаси

Гуруҳ	n	Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланиш частотаси					
		G		C		G/G		G/C		C/C	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Асосий гуруҳ	20	34	85,0	6	15,0	15	75,0	4	20,0	1	5,0
Назорат гуруҳи	25	48	96,0	2	4,0	23	92,0	2	8,0	0	0,0
Аллеллар: Генотиплар:	$\chi^2=3,3$; P=0,06; OR=4,235; 95% CI 0,8058, 22,26 G/G: $\chi^2=2,2$; P=0,1; OR=0,3; 95% CI 0,65, 22,3 G/C +CC: $\chi^2=2,4$; P=0,1; OR=3,833; 95% CI 0,6569, 22,37										

IL-1 β генининг (С3953Т) полиморфизми аллел ва генотиплари вариантлари тақсимланиш хусусиятлари таҳлил қилинганда, беморлар ва назорат гуруҳидагилар ўртасида «С» аллели мос ҳолда 87,5% ва 94,0% ҳолатда қайд этилди. IL-1 β (С3953Т) генининг «Т» аллели мос ҳолда 12,5% (беморлар орасида) ва 6% (назорат гуруҳидаги шахслар орасида) ҳолатда кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

IL-1 β (С3953Т) полиморфизмининг аллел ва генотиплари тақсимланиш частотаси

Гуруҳ	n	Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланиш частотаси					
		С		Т		С/С		С/Т		Т/Т	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Асосий гуруҳ	20	35	87,5	5	12,5	15	75,0	5	25,0	0	0,0
Назорат гуруҳи	25	47	94,0	3	6,0	22	88,0	3	12,0	0	0
Аллеллар: Генотиплар:	$\chi^2=1,3$; P=0,3; OR=2,24; 95% CI 0,5011, 9,997 С/С: $\chi^2=1,2$; P=0,2; OR=0,4; 95% 0,50, 11,8 С/Т: $\chi^2=1,3$; P=0,3; OR=2,4; 95% CI 0,5062, 11,8										

Келоид чандиқли беморларда IL-1 β (С3953Т) полиморфизми аллел ва генотиплари вариантлари тақсимланиш хусусиятлари баҳоланганда бемор эркак ва аёллар ўртасида аллел ва генотиплар учраш частотаси ишончсиз характерга эгаллиги аниқланди.

Шу тарика интерлейкин генларининг полиморфизми тақсимланиши таҳлили натижасида қуйидагилар белгиланди:

– IL-1 β ва IL-6 генлари аллелларининг тақсимланиш частотаси кутилаётган Харди-Вайнберг тенглиги қонуниятига мувофиқ келди (P>0,05); текширилган беморлар генотипи орасида IL-1 β гени С3953Т полиморфизми генотиплари ва нофункционал аллеллар мос ҳолда назорат гуруҳидаги шахслардаги 6,0% ва 12,0% билан таққосланганда коллаген ремоделланиш билан бирга кечувчи касалликлар пайдо бўлиш хавфи 2 каррадан кўпроқ ошиши билан 12,5% ва 25,0% кузатилди. Шу билан бирга бу фарқ статистик аҳамиятсиз бўлди ($\chi^2=1,3$; P=0,3; OR=2,4; 95% CI 0,062, 11,8); С/С аллели бўйича гемозиготали генотип, аксинча, бундай ҳолатларга нисбатан протектив ҳисобланди ($\chi^2=1,2$; P=0,2; OR=0,4; 95% 0,50, 11,8). Бироқ унинг частотаси келоид чандиқлари бўлган бу гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан (88,0%) статистик аҳамиятсиз паст бўлди (75,0%); тахминий маълумотларга қараганда ушбу маркёрлар касаллик ривожланиш хавфи омиллари ҳисобланади, айниқса, бу IL-6 гени G-174C полиморфизмининг гомозиготали генотипида яққол ифодаланади ҳамда келоид чандиқли беморларда функционал нофаол аллеллар учраш частотаси назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли юқори (мос ҳолда 6% ва 25,0% қарши 4,0% ва 8,0% га) бўлади.

Патологик чандиқлар пайдо бўлишида ўсиш омилларининг таъсири исботланди. Трансформацияловчи β ўсиш омилига асосий ўрин ажаратилади (transforming growth factor β , TGF- β). TGF β 1 бу – хужайра ўсиши, яллиғланиш,

пролиферация ва дифференцировка, хужайрадан ташқари матрицали бирикма ва апоптозда муҳим модулятор ҳисобланган мультитипотент цитокин ҳисобланади. Тадқиқот давомида 20 нафар бемор ва 37 нафар шартли соғлом донорларда TGFβ1 гени Arg25Pro полиморфизмининг аллел ва генотиплари тақсимланиши текширилди (3-жадвал).

3-жадвал

Arg25Pro ген TGFβ1 гени полиморфизми аллел ва генотипларининг беморлар гуруҳида тақсимланиш сони

Гуруҳ	n	Аллеллар сони				Генотипларнинг тақсимланиш сони					
		Arg		Pro		Arg25 Arg		Arg25Pro		Pro 25Pro	
		n	%	n	%	n	%	N	%	n	%
Асосий гуруҳ	20	28	70,0	12	30,0	12	60,0	4	20,0	4	20,0
Назорат гуруҳи	37	67	90,5	7	9,5	30	81,1	7	18,9	–	0

TGFβ1 генининг (Arg25Pro) Arg аллели мос равишда келоид чандикли беморларда 70% ҳолатда, назорат гуруҳида 90,5% ҳолатда учради. Pro аллели асосий гуруҳда (30,0%) назорат гуруҳига (9,5%) қараганда ишончли ошганлиги қайд этилди. TGFβ1 генининг генотиплари тақсимланиши таҳлил қилинганда ArgArg гомозигот генотипи мос равишда ҳар иккала гуруҳда қайд этилди (асосий гуруҳда – 60%, назорат гуруҳида – 81,1%). ArgPro гетерозигота генотипи кўрсаткичлари эса мос ҳолда ҳар иккала гуруҳда нисбатан тенг миқдорда учрашини кўриш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, патологик гомозигота генотип (ProPro) асосий гуруҳда (20,0%) назорат гуруҳига (0%) қараганда ишончли ошиши мумкин.

Ҳисобланган имкониятлар нисбати коэффицентига мувофиқ коллаген ремоделланиш ривожланишининг хавфи TGFβ1 Arg25Pro гени ProPro полиморфизми аллелларини ташувчи беморларда назорат гуруҳидаги шахсларга нисбатан ишончли ошди.

Келоид чандикли беморларда IL–6 гени G–174C полиморфизмининг C/C (5%) гомозигот сони назорат гуруҳига нисбатан (0%) юқори, G/C аллелини ташувчи пациентлар орасида (20%) назорат гуруҳига (8%) тез-тез такрорланиш кузатилди. Келоид чандикли беморларда (20%) TGFβ1 гени Arg25Pro полиморфизми Pro25Pro гомозиготаси тақсимланиши назорат гуруҳига (0%) нисбатан олганда яққол юқорилигини кўриш мумкин. Келоид чандикларида IL–6 гени G–174C полиморфизмининг C/C ҳамда TGFβ1 гени Arg25Pro полиморфизми ProPro гомозиготаси учрашининг патологик коллаген ремоделланиш хавфи мавжуд бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Келоид чандикли беморлар қонида TIMP1 металлопротеиназа тўқима ингибатори концентрациясини текшириш назорат гуруҳидаги аналогик кўрсаткичлар билан таққосланганда $5,3 \pm 0,18$ pg/ml ($P < 0,001$)га ишончли ошиши кузатилди (4-жадвал).

Келоид чандикли беморлар қонида TIMP1 ва СОД таркибининг аниқланиши

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=25)	Келоид чандиклар (n=28)
TIMP1 (pg/ml)	3,7±0,09	5,3±0,18***
СОД (pg/ml)	6,8±0,14	4,9±0,02**

Изоҳ: * – фарқлар назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан аҳамиятли (** – P<0,01, *** – P<0,001)

Келоид чандикларида TIMP1 миқдори 5,3±0,18 pg/ml (назорат 3,7±0,09 pg/ml) ишончли тарзда ошиши кузатилди, бу эса матрикс металлопротеиназасининг камайишини кўрсатади, бунинг натижасида чандик соҳасида патологик коллаген ўсмасининг катталаниши ва келоид ҳосил бўлишига олиб келган. Бемор организмида оксидатив зўриқиш ривожланишига АОТнинг жавоби бўлиб, келоид чандикли беморларда супероксиддисмутаза миқдорининг 4,9±0,02 pg/ml (назорат 6,8±0,14 pg/ml) ишончли камайиши кузатилди.

Шу тариқа келоид чандикли беморларда келоид чандиклар пайдо бўлиш сабабларига боғлиқ ҳолда TIMP1 металлопротеиназа тўқима ингибатори кўрсаткичлари ошиши аниқланган. Металлопротеиназа тўқима ингибатори юқори кўрсаткичлари, эҳтимол, хужайрадан ташқари матрикс бириктирувчи тўқималарини ремодилловчи матрикс металлпротеиназлар фаоллиги ўзгаришига олиб келади, бу шикастланган бириктирувчи тўқима фибробластлари ҳаётий фаолияти учун ноқулай муҳит яратиши ҳамда улар фаоллигининг кучайиши ва келоид ривожланишига олиб келиши билан тушунтирилади.

Диссертациянинг «**Келоид чандикларни комплекс даволаш ва унинг самарадорлигини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида келоид чандикларни даволаш самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот давомида текширилган келоид чандикли беморлар даво усулига кўра икки гуруҳга бўлинди. Биринчи гуруҳ (солиштириш гуруҳи) 56 нафар бемордан ташкил топган бўлиб, улар анъанавий давони қабул қилдилар ва бу даво Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган дерматовенерологияда текшириш ва даволаш стандартлари асосида ўтказилди. Анъанавий даво усулига кўра чандик ичига кортикостероид дори воситаси киритилиши билан коллаген ишлаб чиқарилишини камайтиради, унинг парчаланишини бартараф этади, бунинг натижасида тўқималар қалинлашуви секинлашади. Келоид чандик тўлиқ текислангунга қадар ва ноқулайлик йўқолгунча 4–6 ҳафта интервал билан 10–40 мг/мл триамцинолон ацетонид инъекциялари давом эттирилиб, курс яқунланади. Кортикостероид дори воситаси эпидермисни қон билан таъминловчи коллагеназа синтезланадиган қатламга киритилади ва инъекциялар тери ости ёғ тўқимаси атрофиясига олиб келади.

Иккинчи гуруҳга 48 нафар бемор олиниб, такомиллаштирилган комплекс даво усули билан даволанди. Ушбу даво усули триамцинолон ацетонид дори воситасини пентоксифиллин билан бирга чандиқ ичига юбориш ва уни таблетка кўринишида давом эттириш ҳамда антибактериал даволашни ўз ичига олди.

Ушбу такомиллаштирилган комплекс даво усули чандиқ ичига киритиладиган кортикостероиднинг самарадорлигини ошириш ҳамда келоид чандиғи ривожланишидаги патогенезга таъсир қилиш мақсадида триамцинолон ацетонид кўринишидаги кортикостероидга пентоксифиллин дори воситасини бирга аралаштирилган ҳолда келоид чандиғи ичига юборишдан иборат. 4 ҳафтада бир марта триамцинолон ацетонид пентоксифиллин билан аралаштирилган ҳолда (2 га 1 нисбатда) ўчоқ ичига киритилди. Инъекцияларнинг умумий миқдори индивидуал тайинланди ва куйидаги кўринишда давом эттирилди: доксициклин 100 мг бир кунда 2 маҳал 1 таблеткадан 30 кун давомида; пентоксифиллин 100 мг бир кунда 2 маҳал 1 таблеткадан 30 кун давомида. Пентоксифиллин қатор самарадорликларга эга: фибрин иплари парчаланишига олиб келади (фибринолитик таъсир); чандиқ тўқимаси ўлчамларини камайтиради; ДНК фибробластлар фаоллиги тўхтатади (хужайра ташқариси матриксини ҳосил қилувчи бириктирувчи тўқима хужайралари, коллагеннинг бўлажак оксиллари ва эластин); яллиғланиш омиллари синтезини камайтиради (ўсма некрози омили, $IL-6$, $IL-1\beta$ ва бошқа цитокинлар).

Триамцинолон ацетонид ва пентоксифиллин комбинацияси (2 га 1 нисбатда) кортикостероидларнинг ножўя таъсирлари хавфини камайтиради. Инъекциялар аралашманинг атрофдаги тўқималарга тушишидан қочиб, қатъий тарзда чандиқ чегарасида бажарилади.

Киритиш усуллари: инфльтрация йўли билан (битта ва фақат ўша игна билан турли чуқурликка қатламли киритиш); кўплаб инъекциялар билан кичик дозаларда папула (тугунлар) чандиғи юзаси бўйлаб 1 мм диаметрда бир текисда тақсимланиш пайдо бўлгунга қадар.

Инъекциялар фақат дерматознинг юқори учдан бир қисмига қилинади. Игна кесиги тепага қаратилган бўлиши керак, бу ҳажм ва киритилган препарат тақсимланишини яхши назорат қилиш имконини беради. Текширилаётган гуруҳларда олиб борилаётган терапия самарадорлигини баҳолаш куйидаги мезонларга асосан ўтказилди: чандиқ ўлчамининг камайиши – келоид чандиқли барча беморларда чандиқ ўлчами 80 дан 100% гача камайди; келоид чандиқлар зичлиги – 96,4% беморларда биринчи муолажадан кейинок юмшоқ бўлиб қолди ва таранглик ҳисси йўқолди; субъектив ҳиссиётлар (қичишиш, оғриқ) – 3,6% беморларда (қичишиш) 4 та муолажага қадар сақланиб қолди, бироқ барча беморларда оғриқ йўқолди. Анъанавий даво орқали даволанган беморларда чандиқ қисқариши 2 ҳафтадан 4 ҳафтагача келоид чандиқ атрофидаги соғлом тери яққол атрофияси билан кечди.

Шубҳасиз, анъанавий даволаш қўлланганда ($P<0,001$) келоид чандиқларнинг ўртача 0,53 мм дан кўпроқ ишончли камайиши кузатилди. 80% беморларда қичишиш ва оғриқ сақланиб, бу эса келоид чандиқланиш (постакне) фаоллигини кўрсатади.

Ўтказилган даволаш курсидан кейин такомиллаштирилган комплекс даво қабул қилган 2-гуруҳда постакненинг G.J.Goodman ва б. (2006) шкаласи бўйича Халқаро микдорий таснифи бўйича чандиқлар яққоллиги умумий индекси ҳисоблаб чиқилганда 1-гуруҳда 12,6 балл, 2-гуруҳда эса 11,05 баллни ташкил этди. Такимиллаштирилган комплекс даво препаратлари билан даволаш курси якунланганидан кейин 1 ой ўтиб халқаро микдорий таснифи бўйича ҳисобланганда постакненинг чандиқлар яққоллиги индекси 1-гуруҳда – 11,5 балл, 2-гуруҳда – 9,1 баллни ташкил этди. G.J.Goodman ва J.A.Vagon (2006)нинг Халқаро постакне микдорий шкаласи бўйича постакне оғирлиги индекси динамикасига мувофиқ эришилган аҳамиятли клиник самара билан беморлар микдорини акс эттирувчи (% га нисбатан) терапевтик самарадорликнинг долзарб баҳоси (ТСДБ) амалга оширилди.

Шундай қилиб, ТСДБ индекси 1-гуруҳда 0,95 балл, 2-гуруҳда 1,05 баллни ташкил этди, бу эса анъанавий даво билан таққосланганда такомиллаштирилган комплекс даво қўлланишининг самарадор эканлигини билдиради. Бинобарин, анъанавий усулда даволанган беморлар гуруҳи натижаларидан комплекс даволанган беморлар гуруҳи натижалари самарадорлиги юқорироқ ҳисобланади. Келоид чандиқли беморларни такомиллаштирилган комплекс даволашда ҳаёт сифатининг дерматологик индекси динамикаси (ҲСДИД) анкета сўровнома натижаларига кўра текшириляётган беморларда ҲСДИ ўртача аҳамияти $6,71 \pm 1,12$ баллни ташкил этди, бу касалликнинг беморлар ҳаёт сифатига ўртача таъсирини кўрсатади. Бунда ҲСДИ аҳамияти касаллик давомийлигига боғлиқ бўлмади ($r=0,06$, $P<0,05$).

5-жадвал

Ўрганиляётган усулларнинг самарадорлик кўрсаткичлари, терапевтик самарадорликнинг кўрсаткичлари


Даволаш самарадорлигининг кўрсаткичлари	1-гуруҳ (n=56)		1-гуруҳ (n=48)		χ^2	P
	абс	%	абс	%		
Клиник соғайиш (3 балл)	0	0	0	0	–	–
Аҳамиятли яхшиланиш (2 балл)	15	26,8	38	79,2	28,38	0,000
Яхшиланиш (1 балл)	24	42,9	9	18,8	6,93	0,008
Қониқарсиз натижа	17	30,4	1	2,1	14,44	0,000
Гуруҳлар бўйича ўртача балл	0,95		1,05		–	–

Қайд этиш керакки, аёлларда индекснинг ўртача аҳамияти эркакларга қараганда анча юқори бўлди (мос ҳолда $9,01 \pm 0,12$ балл ва $4,13 \pm 0,32$ балл), бу, одатда, аёллар, асосан, тананинг очиқ қисмида касаллик туфайли юзага келадиган ташқи кўриниши ва эстетик камчиликларидан эркакларга нисбатан

кучлироқ ташвишланишлари билан боғлиқ бўлса керак, деган хулосага келинди.

1-гурух беморларида даволашга қадар ҲСДИ ўртача аҳамияти $6,99 \pm 1,3$ баллни, 2-гурух беморларида эса $6,71 \pm 1,12$ баллни ташкил этди. Ўтказилган даволаш терапияси якунига етганидан кейин бир ой ўтгач, 1-гурухда индекснинг ўртача аҳамияти $4,15 \pm 1,01$ баллгача, 2-гурухда эса $2,39 \pm 1,0$ баллгача пасайди. Даволашдан олдин ва кейинги кўрсаткичлар таққосланганда улар ўртасидаги статистик ишончли фарқлар аниқланди ($P < 0,05$), бу иккала гурух беморларида ҳам ҳаёт сифатининг яхшиланганлигидан далолат беради, бироқ бу кўрсаткич такомиллаштирилган комплекс даво қабул қилган 2-гурухда анча яққолроқ кўринишда бўлди. Ўтказилган даволаш усули натижасида иккала гурухда ҳам бошланғич ҳолатга таққосланганда ҲСДИ даражасининг статистик аҳамиятли пасайиши қайд этилди.


Шундай қилиб, даволашга қадар индекс 1-гурухда $6,99 \pm 1,13$ баллни ташкил этган бўлса, даволаш курси якунланганидан бир ой ўтиб $4,15 \pm 0,55$ балл бўлди. 2-гурухда мос равишда $6,71 \pm 1,21$ балл, $2,39 \pm 0,94$ балл қайд этилди.



2-расм. Текширилган беморларда ҳаёт сифатининг дерматологик индекси динамикаси.

Олинган маълумотлар такомиллаштирилган комплекс даволаш беморлар учун анча қулай, врач қабулида ҳар куни бўлишни талаб этмайди, беморнинг кўп вақтини олмайди, деб тахмин қилиш имконини беради, бу «Сўнгги ҳафта давомида Сизнинг терингиз касаллигини даволаш Сизда қанчалик мураккаблик туғдирди, масалан, уйингизда тартибсизликни юзага келтирди ёки вақтингизни олди?» деган саволга жавоб беришда ўртача баллнинг аҳамиятсиз пасайиши билан тасдиқланди. Шундай қилиб, ҲСДИнинг умумий редукцияси 1-гурухда 45,2% ва 2-гурухда 61,0% ни ташкил этди. Келоид чандиқлар билан оғриган беморлар чандиқларидан олинган биоптатларнинг морфологик текшируви

даволашдан олдин ва кейин ўтказилди. 30 нафар келоид чандиқлари бўлган беморларда олиб борилган даволашгача ва ундан кейинги чандиқлардан олинган биоптатларининг морфологик таҳлили ўтказилди. Таҳлиллар икки гуруҳга бўлинган ҳолда 30 нафар беморда амалга оширилди. Улардан 10 нафарида анъанавий даволаш (1-гуруҳ), 20 нафарида такомиллаштирилган комплекс даволаш (2-гуруҳ) ишлари олиб борилди. Барча беморларда даволашга қадар дерматоглификанинг кучайиши, шохли қатлам юзасининг нотекислиги, гуруҳларга бўлиб тақдим этилган интенсив бўялган йирик полигонал, ўзаро шохлаган тўқ чизиқлар билан ажратилган ҳужайралар аниқланди.



3-расм. С.К. исмли бемор, 1990 йилда туғилган. а/к рақами 26878.

Даволашга қадар келоид чандиқнинг гистологик манзараси.

Гематоксиллин-эозин билан бўялган, 10×10 ўлчамда катталаштирилган.


Эпидермисда девор четида оқ концентрик модда билан кенгайган ёғ-соч фолликулалари (ЁСФ)нинг кенгайган оғизлари визуаллашди, бу гиперкератоз белгилари мавжудлиги, бироқ вулгар хуснбузарлар ривожланишининг асосий патогенетик омилларидан далолат беради. Фолликулалар атрофида перифолликуляр инфилтрат белгилари қайд этилди. Эпидермиснинг чуқур жойлашган қатлами, донадор, тиканли ва базал, шикастланмаган теридан деярли фарқ қилмайди. Акне ўчоқларида кенгайиш ва томир туташмалари юзасида томирларнинг анча юзада жойлашуви қайд этилди. Папулалар ўзларида ичи ёруғ аморф таркиб билан тўлган ва/ёки юқори акс эттирувчи қобилят билан яллиғланиш инфилтрати томонидан ташкиллаштирилган тўқ юмалоқ структураларни ифодалади. Одатда, папулалар учун эпидермисда кўплаб яллиғланиш инфилтратининг мавжудлиги характерли бўлган, дермада яққол экзоцитоз, гиперваскуляризация ва яллиғланиш реакцияси қайд этилган.

Томирлар ва яллиғланиш инфилтрати ҳамиша пайдо бўлиш периферияси бўйича визуаллашган.

Ёғ-соч фолликулаларининг гиперкератинизациясини қабул қилган 1-гурух ҳам соғлом тери кўрсаткичлари томон яқинлашди, бироқ перифолликуляр инфилтрация ва кенгайган томирлар белгилари сақланиб қолди. Бундан ташқари тартибсиз толали структураларнинг ортиқча миқдори тендецияси ҳам кузатилди.

2-гурухда ёғ-соч фолликулалари оқимларининг гиперкератинизацияси белгилари ва перифолликуляр инфилтрация камайиши, кенгайган томирлар, ортиқча тукли структуралар миқдорининг камайиши қайд этилди.

Такомиллаштирилган комплекс терапия билан даволангандан кейин морфологик текширилганда эпидермис ва шохли қатламнинг аҳамиятли (2 баробар) қисқариши кузатилди. Дерманинг умумий қалинлиги, жумладан, тўрсимон қатлам ҳажми ҳисобига камайди. Эпидермал ўсмалар текисланиши, баъзан эса эпидермис атрофияси ҳам кузатилди.



4-расм. Д. С. исмли бемор, 1986 йилда туғилган. а/к рақами 681.

Базал қатлам ҳужайраларининг вакуолали дистрофияси. Даволашдан кейин келоид чандиқнинг гистологик манзараси. Гематоксиллин-эозин билан бўялган, 10×40 ўлчамда катталаштирилган. Даволашдан кейин 1 ой ўтгач.

Коллаген толалар анча юпқалашди, баъзи жойларда коллаген толаларнинг тарқалиши, юмшаб қолиши кузатилди. Шунингдек, фибробластлар ва фиброцитлар миқдорининг камайиши ҳам қайд этилди, бу чандиқлар ўлчамининг қисқаришига олиб келди.

Комплекс даволанган гуруҳда ўтказилган даволаш курсидан кейин чандиқнинг ўртача диаметри статистик аҳамиятли камайиши аниқланди ($P < 0,001$). Анъанавий даво қабул қилган 1-гурух беморларда даволашгача

ўртача диаметр – $3,01 \pm 0,07$ мм, даволашдан кейин бир ой ўтгач – $2,36 \pm 0,11$ мм; 2-гурухда даволашгача – $2,89 \pm 0,06$ мм, даволашдан кейин бир ой ўтгач – $2,0 \pm 0,03$ мм.

6-жадвал

Даволашгача ва даволашдан кейин чандиқларнинг ўлчамлари динамикаси

Ўлчамлар	Муддатлар	1-гурух (n=10)	2-гурух (n=20)
Келоид чандиқнинг ўртача диаметри, мм	Даволашдан олдин	$3,01 \pm 0,07$	$2,89 \pm 0,06$
Келоид чандиқнинг ўртача диаметри, мм	Даволашдан кейин	$2,36 \pm 0,11^{***}$	$2,0 \pm 0,03^{***}$

Изоҳ: * – фарқлар даволашга қадар гуруҳ маълумотларига нисбатан аҳамиятли (***) – $P < 0,001$).

Шундай қилиб, келоид чандиқлар такомиллаштирилган комплекс даволашни қўллашни самарали, хавфсиз ҳамда яхши таъсир кучига эга деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу усул махсус жиҳозларни, ҳар куни беморнинг поликлиникага бориши ва муолажага олдиндан тайёргарлик кўришини талаб этмайди. Ўчоқ ичига препарат қабул қилган беморларда ХСДИнинг анча яққол редукцияси ҳам ушбу комплекс терапия усулини танлашнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

«Келоид чандиқларининг патогенетик механизмлари, уларни комплекс даволашни такомиллаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган изланишлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Келоид чандиқли беморларнинг асосий гуруҳини 14–35 ёшдагилар ташкил қилади ва ҳудудимизда келоид чандиқнинг келиб чиқишига кўра постакне келоид чандиқлари асосий шакл бўлиб ҳисобланади.

2. IL–6 ва TGFβ1 генларининг патологик гомозигота генотиплари аниқланиши, келоид чандиқларида коллагеннинг патологик ремоделланишининг ривожланиш хавфи мавжуд бўлиши мумкинлигини белгилайди.

3. Келоид чандиқларда TIMP1 миқдори концентрацияси сезиларли ўсиши, бу чандиқларда коллагеннинг патологик шаклланиши ва келоид ҳосил бўлиши натижасида матрицали металлопротеиназ синтезининг пасайишидан далолат беради, шунингдек, келоид чандиқлари бўлган беморларда супероксиддисмутаза фаоллигининг пасайиши, беморлар организмда оксидатив стресснинг ривожланишига жавобан АОТнинг ушбу бўғими мобилизацияси таъкидланади.

4. Келоид чандиқли беморларнинг клиник-морфологик мониторингига кўра такомиллаштирилган комплекс терапияни қўллаш терининг чандиқли зонаси репаратив тикланиши билан бирга юз берди, коллаген толаси

боғламларининг муайян қисмини қисқартириш йўли билан коллагенолитик таъсир кўрсатди.

5. Пентоксифиллин билан триамцинолон ацетонид аралашмасини чандикли терига бевосита киритишни ўз ичига олган яллиғланишга қарши такомиллаштирилган комплекс терапия келоид шаклланишини камайтиради, шунингдек, фибринолитик таъсири ҳисобига кортикостероидлар таъсирини кучайтиради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИИ И КОСМЕТОЛОГИИ**

ТОИРОВ БОБУР АКБАРОВИЧ

**ПАТОГЕНЕТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ
КЕЛОИДНЫХ РУБЦОВ, СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИХ
КОМПЛЕКСНОГО ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.11 – Дерматология и венерология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/Tib484.

Диссертация выполнена в Республиканском Специализированном Научно-Практическом Медицинском Центре Дерматовенерологии и Косметологии

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tashpmi.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Сабиров Улугбек Юсупханович**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Хайтов Кахрамон Нажмитдинович**
доктор медицинских наук, профессор

Гильдиева Маргарита Сабировна
доктор биологических наук

Ведущая организация: **Ташкентская Медицинская Академия**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в _____. на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Богишамол, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14), e-mail: mail@tashpmi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул.Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 год.
(реестр протокола рассылки № ___ от _____ 2019 года).

А.В.Алимов
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Э.А.Шамансурова
ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.И.Ахмедова
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой популяции среди общих заболеваний кожные заболевания играют особую роль. В последние годы из-за активного развития индустрии, воздействия экологических вредных факторов на организм человека и как следствие происходящее ослабление иммунной системы, мутационный прессинг служат причиной проявления кожных заболеваний и их роста. Среди кожных заболеваний келоиды после вульгарных угрей часто встречающееся заболевание. По статистическим данным ВОЗ, в мире «... ежегодно более чем 50 миллионов людей получают разные травмы, более чем 100 миллионов человек проводят разные операции, после чего у более чем 100 миллионов людей появляются келоидные рубцы ...»³. Келоидные рубцы встречаются на груди и спине и оказывают влияние на нервно-психическую систему пациента, поэтому важно проводить их профилактику, что будет способствовать эффективному лечению.

В мировом масштабе проводятся ряд научных исследований с целью развития патогенетических механизмов по келоидным рубцам и совершенствованию их комплексного лечения. Развитие затяжного, хронического воспаления в процессе эволюции и лечения типичных элементов вульгарных угрей, приводит к формированию симптомокомплекса «постакне» различной степени тяжести, в частности: оценить состояние полиморфизма генов интерлейкинов G-174C гена IL-6 и C3953T гена IL-1 β у пациентов после угревых келоидных рубцов; определить состояние полиморфизма гена трансформирующего фактора роста Arg25Pro гена TGF β 1. Для пациентов с келоидными рубцами особое значение приобретает определение молекулы тканевого ингибитора металлопротеиназы и состояние оксидативного стресса, анализ результатов морфологического исследования биоптата рубца и совершенствование патогенетически обоснованного комплексного метода терапии.

Развитие медицинской сферы в стране, оснащение современным медицинским оборудованием, профилактика различных соматических заболеваний, сокращение количества осложнений после угревых высыпаний населения являются актуальными задачами медицины. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017–2021 годы разработан комплекс мер, направленных на «... повышение удобства и качества оказания специализированной медицинской помощи, дальнейшее реформирование его первичного звена, системы скорой и неотложной медицинской помощи...»⁴. Благодаря целенаправленному осуществлению этих задач, происходит улучшение оказания больным дерматовенерологической и косметологической медицинской помощи.

³ World Health Organization. World Health Statistics, Geneva, 2017.

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года.

